

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН

МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КИМЁ ФАКУЛЬТЕТИ

Табиий бирикмалар кимёси кафедраси

ХАЙИТМУРОВОВА НАВБАХОР АБДУОЛИМОВНА

Мавзу: Фарзандни касб –ҳунарга йўналтиришда

ота-онанинг ўрни

КУРС ИШИ

Режа:

I. Кириш

II. Асосий қисм

1. Ўтмиш ва ҳозирги кунда меҳнат тарбияси ҳамда касб-корга бўлган муносабатлар.
2. Касб –ҳунар танлашда саломатликни эътиборга олиш зарурлиги.
3. Касбий қарор қабул қилишда хатога йўл қўйган фарзандлар тақдири.
4. Касб –ҳунар танлашда таъсир кўрсатувчи омиллар

III. Хулоса

IV. Фойдаланилган адабиётлар.

Фарзанд тарбияси ҳамма замонларда ҳам энг долзарб масала бўлиб келган. Дунёда биронта ота-она йўқки, зурриётининг жамиятда ўз ўрнига, бирон мавқега эга бўлишини истамаган ва шу фарзанд орқали ғурурланиб юришни орзу қилмаган бўлса. Айниқса, шарқда бунга қадим замонлардан алоҳида эътибор бериб келинган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк дақиқалардан ёшлар ва уларнинг тарбияси, маънавий камолоти, таълими ва бандлиги масаласи бирон дақиқа ҳам ҳукуматимиз сиёсати кун тартибидан четда бўлмади. Таълим соҳасидаги ислохотлар натижасида, дунёда “Ўзбек модели” деб эътироф этилган, тарбия ҳамда таълимни узвий ва изчил қўшиб олиб боришда қаратилган мутлақо янги тизим яратилди. Касб –ҳунар таълимининг меъёрий негизлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, болалардаги туғма лаёқат ва истеъдодни, уларнинг қизиқишлари ва имкониятларини тизимли ўрганиш, касб-хунарга тўғри йўналтириш ва улар томонидан касб-хунарни мустақил танлай олишни ташкил этиш ишларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммо ва вазифалар мавжуд. Булар қаторига ижтимоий ҳамкорлик- мактаб, касб-хунар таълими муассасалари ва иш берувчилар билан алоқани кучайтириш, таълим тизимини иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларга тезкор мослаштиришни ташкил этиш, ёшларни самарали касб-хунарга йўналтиришда синф раҳбарлари ҳамда ота-оналар учун касбий маслаҳатлар ва бошқа методик қўлланмаларни яратиш кабилар қиради.

Ҳар бир инсон ўз фарзандининг комил инсон бўлиб етишиши, жамиятда маълум бир мавқега эга бўлиши, бирон-бир касб-хунар эгаси бўлишини орзу қилиб яшаши тўғрисида кўп гапирилади.

Барчага аёнки, ҳар қандай касб-хунарнинг негизида албатта меҳнат туради. Инсон меҳнат қилиб, касб-кори орқали ҳурмат, обрў-эътиборига эга бўлади.

Дунёда касб-хунарлар хилма-хил бўлиб, бугунга кунда уларнинг турлари 40 мингдан зиёддир.

Меҳнат инсоннинг шахсий ҳаётида унинг барча талаблари, эҳтиёжларини қондирувчи ва рўёбга чиқарувчи манба, асосий восита бўлганлиги учун ҳам меҳнат тарбияси тарбиянинг бошқа ҳамма турларидан аввал пайдо бўлган.

Меҳнат тарбияси – тарбиянинг муҳим тури, шахсни шакллантиришнинг зарур шартларидан бири бўлган педагогик жараён ҳисобланади. Меҳнат тарбияси кишидан ижтимоӣ фойдали меҳнатга ички эҳтиёж, интизом, батартиблик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, ишчанлик, ишнинг кўзини билиш сингари сифатларни қарор топтиришга хизмат қилади. Меҳнат тарбияси ғоят кенг фалсафий-педагогик категория бўлиб, “меҳнат таълими”, “касбга йўналтириш”, “политехник таълим”, “касб таълими” сингари тушунчаларни ўз ичига олади.

Бу тарбия аввало оилада, бола ўзини англай бошлаши биланоқ амалга оширила боради. Жумладан, чақалоқ гўдаклик босқичига ўтиши биланоқ, унга дастлабки меҳнат тарбияси берилади. Масалан, ўзимиз билиб-билмаган ҳолда унинг олдига турли ўйинчоқларни ташлаб, олишга ундаймиз, қўлтиғидан кўтариб, қадам ташлашга мажбур қиламиз, қўлига қошиқ тутқазиб, овқатни қандай ейишни машқ қилдирамиз ва ҳ.к. шундай қилинмаса, бола фақат истеъмолчига айланиб қолади. Натижада у ношуд ва ялқовгина эмас, маънавияти кемтик шахс бўлиб шаклланиши мумкин.

Болаларга меҳнат тарбиясини беришда оиладан ташқари мактабгача таълим муассасалари (боғча), мактаб сингари педагогик муассасалар катта ўрин тутаяди. Чунки, бу муассасаларда меҳнат тарбияси илмий асосда тегишли мутахассислар томонидан уюштирилади ва олиб борилади.

Меҳнат тарбиясини ташкил этишдаги асосий жиҳат шундаки, у болаларнинг ёш хусусиятлари, руҳий, ақлий ва жисмоний имкониятларига мос бўлиши лозим. Боланинг имкониятларидан енгил меҳнат тарбияси уни зериктиргани каби уларнинг имкониятларидан оғир топшириқлар болаларни бездириши мумкин. Меҳнат тарбиясини амалга оширишда тизимлилик ва интизом бўлишига қатъий риоя қилиниши жоиз. Акс ҳолда ҳар қандай қобилиятли бола ҳам етарлича меҳнат тарбияси ололмаслиги мумкин.

Меҳнат тарбияси учун мактаб даври энг қулай фурсат ҳисобланади. Шунини инобатга олиш лозимки, биринчи навбатда ўқиш жараёнининг ўзи оғир ақлий-жисмоний меҳнатдир. Мактабга ўз вақтида келиб-кетиш, ўқиш-ёзишни ўрганиш, берилган билимларни эгаллаш учун ўқувчиларга оиладаёқ дастлабки меҳнат тарбияси берилган бўлиши керак. Чунки, ўқув топшириқларини бажариш, дарс ўзлаштириш, ўтилган мавзуларни такрорлаш, ёзма ишларни бажариш, керакли матнларни ёдлаш, кўчирмалар олиш, луғатлар билан ишлай олиши учун ўқувчи муайян интизомга риоя этиши, ташкилотчилик қобилияти ва ишчанлик хусусиятига эга бўлиши, ишнинг кўзини билиши керак. Шунинг учун ота-оналар фарзандларига уйда етарли шарт-шароитни яратиб беришлари, лозим бўлганда бу вазифаларни уйдан ташқари амалий ёрдам беришлари, боладаги ҳар қандай ўзгаришни (айниқса ёш хусусияти билан боғлиқ жисмоний ва руҳий ўзгаришларни) зийраклик билан илғай олишлари, бетўхтов кузатув олиб боришлари керак бўлади.

Меҳнат тарбиясида, аввал айтилганидек, меҳнат таълими ва касбга йўналтириш жараёнларининг ҳам ўрни катта. Чунки, бу жараёнларда ўқувчилар бевосита тегишили меҳнат кўникмаларини эгаллаш ва уларни мустақил қўллаш босқичини ўтайдилар. Шунингдек, улар бу аснода қайси бир меҳнат йўналиши ўзига мувофиқроқ эканлигини билиб оладилар. Шунинг учун ҳам меҳнат таълими имкон қадар хилма-хил бўлиши ҳамда юқорида таъкидланганидек ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, шунингдек жинсий хусусиятларига мувофиқ келиши зарур.

Болаларнинг ўқув режасида кўзда тутилган меҳнат амалиётини ўташларини мактабда тўғри ташкил этиш, уларни болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари қошидаги тўгаракларга кўпроқ жалб қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таълим тизими раҳбарлари ҳам тизимнинг ушбу тармоғини ривожлантириш, тўгараклар турларини кўпайтириш ва уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўришлари зарур. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мактабдан ташқари муассасаларни ривожлантиришга қаратилган аҳамият албатта ўз натижаларини беради. Айниқса, ўз қизиқишига кўра бундай муассасага қатнаётган болада ўз вақтини тўғри тақсимлаш, фантазияларини рўёбга чиқаришда уриниш, жамоатчилик билан очик мулоқатга кириша олиш каби фазилатлар теранроқ шаклланади. Масалан, Корея мактабларида ўқиётган ўқувчиларнинг деярли барчаси ўз қизиқишига кўра биронта фан тўгараги ёки бошқа тўгаракка қатнайди. Бундан ташқари ота-оналар уларни албатта яна битта спорт клубида ташкил этилган тўгаракка боришлари учун имконият яратиб, ўзлари унинг самарадорлигини доимий кузатиб борадилар.

Ҳозирги кунда бизда ҳам бу борада катта имкониятлар бор. Зеро, қадимдан халқимиз фарзандларининг бирон касб-хунарнинг моҳир устаси бўлишлари билан бирга жисмонан бақувват ва соғлом бўлиши учун болаларига илк ёшиданоқ сувда сузиш, отда юриш, кураш тушиш, камон отиш каби спорт турларини, шунингдек, ҳарбий ўйинларни машқ қилдиришган.

Юқорида айтилганидек, меҳнат тарбияси бериш ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиётининг асоси, ёшларни ҳаётга тайёрлашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам барча илоҳий китоблар ва ҳамма мутафаккирлар томонидан яратилган бирликларда меҳнат тарбиясига катта аҳамият берилган.

Шарқ мутафаккирлари, хусусан буюк алломаларимиз фарзанд тарбиясига лоҳида эътибор бериб, ўз ижодларида меҳнат ва касб-корларини улуғлаб, алоҳида таърифлаганлар.

Жумладан, улуғ бобокалонимиз **Абдурахмон Жомийнинг**

Ким хунарни деса, у доно бўлур,

Нодонлар қудрат деб бойликни билур.

Низомий Ганжавийнинг

Хунар ўрган, чунки хунарда кўп сир,

Ёлик эшикларни очар бирма-бир.

Абу Наср Фаробийнинг

“Ҳар бир киши касб-корини мукамал белгиламоғи, яхши тарбия олмағи ва яхши хулқ-атвор фазилятларга эга бўлмоғи керак ” каби ўғитларини ёдга олишнинг ўзи бу фикрларнинг нақадар тўғри эканлигининг исботидир.

Шунингдек, яна бир мисолни келтирай. XI асрнинг 80-йилларида Фарбий Эронда подшоҳлик қилган Қобуснинг набираси, ўз даврининг қомусий билимларга эга бўлган мутафаккирларидан бири Кайковус ибн Искандар ўз ўғли Гилоншоҳга бағишлаб яратган “Насихатнома”си (“Қобуснома”)да турли тоифага мансуб кишилар ва уларнинг ўрганишлари зарур бўлган ҳунарлар ҳақида фика баён қилади, йирик давлат арбоби сифатида ўғли Гилоншоҳга подшоҳлик, вазирлик каби улуғ мартабалардан тортиб, деҳқончилик ишлари-ю, деҳқон одобигача бўлган масалалар ҳақида таълим беради. Қуйида асарнинг минг йил давомида худди бугунгидек аҳамият касб этиб келаётган ота-онанинг вазифалари, меҳнат тарбияси ҳақида юқорида билдирилган фикрларни исботловчи айрим сатрларни келтираман. Жумладан, бу асарнинг “Фарзанд парвариш қилмоқ зикрида” деб номланган бўлими бўлиб, унинг мазмун ва моҳиятига диққатимизни қаратайлик

“Эй фарзанд, агар фарзандинг бўлса, агар яхши от қўйгил, нединким, отадин фарзанд ҳақларидин бири унга яхши от қўймоқдир. Яна бири улдириким, оқил ва меҳрибон доя (парваришловчи, тарбияловчи)ларга топширгайсан. Улузроқ бўлгондин сўнг, агар раият (тобе халқ) бўлсанг, унга ҳунар ва касб ўргатгайсан, агар сипоҳ(ҳарбий киши) аҳлидин бўлсанг, сипоҳ илмин ўргатгайсан. Буларни билгондин сўнг шиноварли, яъни сувда юзмак (сузмоқ)ни ўргатгил...

Бас керакдурким, ҳар турлик фазл ва ҳунарни фарзандингга ўргатгайсан, то оталик шафқати шартин бажо келтирмиш бўлгайсан. Киши бошига на иш тушарин билмағусидир, фазл ва ҳунар ишга яратғусидир....

Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмакни мерос деб билгил. Агар сен хоҳ унга адаб ўргатгил, хоҳ ўргатмагил турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатур. Ундоқ ким дебдурлар, ота-она тарбияланмаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайди.

Оталиқ шартини бажо келтиргилки, фарзандинг вужудга келгондагидек тириклик қилсин, яъни ҳар одамки вужудга келур ва шу кундан эътиборан хулқи ва табиати унга ҳамроҳ бўлур, аммо у ожизлик ва беқувватликдин уни намоён қила олмағусидир. Катта бўлгон сайин жисми ва руҳи қувват топар ва барча руҳи (ҳамма феъл-атвори) ривожланадур, камолга етгондин сўнг тамоми яхшилик ва ёмонлигини зоҳир қилур. Лекин сен адаб, ҳунар ва донишини фарзандингга ўзингдин мерос қилгил, токи унинг ҳаққин бажо келтирмуш бўлгайсан. Чунки хос кишиларнинг фарзандларига адаб ва ҳунардин яхшироқ мерос йўқтур ва омий халойиқнинг фарзандларига ҳирфа (савдо,ҳунар), пеша (касб)дин яхшироқ мерос йўқдур. Пеша қилмоқ (касб-ҳунар ўрганмоқ) муҳташамларнинг фарзандларига номуносиб кўринур. Аммо пеша ҳақиқатда ҳамма ҳунарларнинг улуғидир. Агар хос одамларнинг фарзанди юз ҳунар билса ва лекин ҳеч касбни қилмаса, айб эмасдур. Ҳунар эса бир кун ишга ярағусидир”.

Юқоридагиларни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ деб ҳисобладим. Чунки, бундан қарийиб минг йил бурун айтилган ушбу фикрлар ҳамда панд-насихатларнинг нечоғли тўғрилигини ҳозирги замон педагогика ва психология илмий изланишлари ҳам исботлайди.

Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, болалардаги қобилият, иқтидор ва истеъдодни аниқлаш юзасидан ҳозирги давр илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган маслаҳат ва тавсияларнинг асосий қисми ўқитувчилар ҳамда таълим тизими ходимлари учун мўлжалланган. Аслида болалардаги иқтидор ва истеъдодни илк ёшдан, барвақт аниқлашдан ҳаммадан кўра уларнинг ота-оналари манфаатдордирлар.

Юқорида асардан келтирилган парчадан маълум бўлмоқдаки, бола маълум бир йўналишдаги қобилият, иқтидор, истеъдод каби сифатлар билан бирга дунёга келади. Болада туғма қобилият бўлмагани ҳолда замонавий ўқитиш методлари орқали унда қобилият ва истеъдод шакллантирилиши мумкин деган тушунчага берилиб кетиш кўп ҳолларда барчага бирдек панд беради. Яъни, профессор Б.Қодировнинг таъбирича “... шахсий сифатлар азалдан оз бўлса-да боланинг ўзида бўлмаса, олий ўқув юртларида ҳам бу сифатларни орттира олмайди” (“Синф зукколари танилаш методикаси” Т., 1998 й). Яъна бир хато кузатилади: яъни ота ёки онада (авлодида) бўлмаган қобилият (муסיқа, математика ёки бадий ижод...)ни боладан ахтариш ёки уни шакллантиришга интилиш. Тўғри ақлли болага муסיқа, рақс, расм чизиш каби умуммаданий кўникмаларни ўргатиш мумкинлиги ва бу фойдадан ҳолиэмаслигига шубҳа йўқ. Лекин, йўқни бор қилиш учун болани ҳаддан зиёд зўриқтириш, ўзи истамаган, кучи етмаган топшириқ ва вазифаларни юклаш, унда турли тушкунликлар, руҳан эзилиш, ўз имкониятларини паст баҳолаш (ёки ўзини камситиш) каби ҳолатларга сабаб бўлади. Бундан, аввал болада бор бўлган қобилият ҳамда истеъдодни аниқлаш, уни тарбиялаш керак деган хулоса чиқади.

Боладаги қобилият ва истеъдодни аниқлашга унинг ижодий фаолиятнинг асосий турларига қизиқишлари, бунда эришаётган муваффақиятларини кунт билан кузатиш, унинг ҳар бир муваффақиятини рағбатлантириб бориш орқалигина эришилади. Бунда ўқитувчи ва тарбиячилар ота-онага кўмакдош бўлишлари мумкин. Ҳозирги кунда болалар зехнини, қобилиятларини кузатиш ва аниқлаш юзасидан кўплаб тестлар ишлаб чиқилган.

Ота –оналарнинг фарзандлари олдида бажариши керак бўлган муҳим вазифалардан бири, уларни ҳаётга тайёрлаш ва касб танлашга йўналтиришдан иборатдир. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялаб вояга етказиш билан мамлакатимизни ривожлантириш ишига ҳисса қўшаётганини тушуниб етишлари муҳимдир.

Болаларда меҳнат орқали касб-хунар танлашга ижтимоий бурч сифатида онгли, ижодий муносабатнинг шаклланишида оиланинг роли айниқса каттадир. Ғарзли мақсадларга, давлатдан кўпроқ ундириб, унгакамроқ беришга интилиш асосига қурилган оиладаги муносабатлар заиф, маънавий мазмундан маҳрум ҳисобланади. Бундай оилалар гарчирасмий жиҳатдан тарқаб кетмаган бўлса-да, амалда ҳамиша ички таназзул ҳолатида бўлади. Оиланинг барча аъзоларининг касб-хунарни ўз вақтида тўғри ва мақсадли танлаганликлари, ўз касбига ҳалол,

виждонан муносабатда бўлиши уни жипслашишининг, тарбиявий кучи мустақамланишининг зарурий шартидир.

Ота-оналар билан болаларнинг касбий қизиқиши, лаёқати, интилиши асосидаги умумий иши қанчалик кўп бўлса, катталарнинг ўғил-қизларга таъсири шунчалик кучли, улар намунаси боланинг касбий қарорини шаклланишида шунчалик юқори бўлади. Бола учун ўзи қизиққан касб вакиллари намунаси-энг ишончли ўрнақдир, бола унга албатта тўқнаш келади, чунки бу намуна доимо унинг кўз олдида туради, у истайдими-йўқми, ота-онасига, танлаётган касб эгасига хос бўлган юриш-туриш намунасини ўзига сингдириб боради.

Болалар ҳаётда ҳар бир нарсани кўриб, зийраклик билан илғаб боришади, ҳамма нарсани бажаришни бизкатталардан ўрганишади. Биз танлаш, меҳнатга виждонан, сидқидилдан ёндошиш намунасини кўрсатамиз. Бизнинг мисолимизда улар ҳар қандай меҳнатни эъозлашни, ҳеч бир ишдан бўйин товламасликни, ҳар бир касб вакили меҳнати натижаларига ниҳоятда ҳурмат билан муносабатда бўлишга ўрганадилар.

“Ўғлим ҳаётда ўз ўрнинга эга бўлишни истасанг, касбий йўналишингни тўғри танла, қайсики касбни танласанг ҳам ҳалол, сидқидилдан ишлаш керак”- дейди ота. Ўғил бу гаплар юракдан айтилганини билади. Чунки, отасининг ўзи қандай ишлашини кўриб туради. Отанинг сўзлари қалбига бир умр ўрнашиб қолади, чунки, отанинг ўзи ҳаётида шунга амал қилиб келган.

Бола ўз ота-онасини атрофдагилар қандай ҳурмат қилишини кўриб туради ва ўзи ҳам келгусида шундай ҳурмат қозонишини истайди. У бу ҳурматга фақат касбий маҳорати, ҳалол меҳнат, тер тўкиб ишлаш орқалигина сазовор бўлиш мумкинлигини тушунади. Бола ота-онасининг гапларига қараб эмас, уларнинг юриш-туришини кузатиш орқали номус, бурчга, Ватанга муҳаббат тўғрисидаги тушунчаларга эга бўлади.

Инсон ҳаётида энг муҳими – касбий муваффақият (танлаган касби орқали оиласига ҳам, жамиятга ҳам бирдек фойда келтириш)дир. Айнан касбий лаёқатига, интилишига, касбдошларига муносабати билан инсоннинг маънавий кадри ўлчанади. Агарболада касбий мойиллик, қизиқиши тўғри йўналмаган бўлса ва бу касбга истаги бўлмаса, касбий маҳорати амалда рўёбга чиқмайди, аниқ йўналишларда гавдаланмайди.

Касбий фаолият ҳеч қачон эрмакка айланмайди. Ўз касбининг устаси бўлиш осон эмас, лекин баъзан ота-оналар болаларни қандай қилиб бўлмасин қийинчиликдан ҳалос этишга уринадилар. Ваҳоланки, ўқувчини касбий қизиқиши ва қобилияти асосида аниқланган касбий йўналишигина унинг ҳаётига мазмун бағишлайди. Шунинг учун ҳам болаларни тўғри касб танлашда ўз манфатини ўйлабгина эмас, балки уни интеллектуал салоҳияти, касбий интилиши, мойилликларини узлуксиз кузатиш орқали мустақил касб танлашга ўргатиш керак бўлади. Болаларни илк мактаб ёшидан бошлаб касбга ҳавас уйғотиш, тарбиявий жараёнга касбий меҳнатни тўла жорий этиш-тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Биз ўз касбининг устаси, ҳалол, виждонлилик табиатига сингиб кетган одамларни кадрлаймиз ва ҳурмат қиламиз. Бир ишни бошладимми, уни қўлимдан келганича яхши бажаришим керак, - касбий қизиқиши орқали ўз ишига масъулият билан қарайдиган одам шундай позитивда бўлади. У макташни кутиб ўтирмай, ўз ишини яхши бажаради, чунки бошқача ишлай олмайди. Ўз қизиқиши, қобилияти асосида ишни виждонан бажариш, зиммасига энг катта вазифалар юкланганда ҳам иш сифатини пасайтирмаслик –ҳалол ва обрўсини сақлай оладиган одамга хос хислатдир.

Болаларимизнинг касбий қизиқиши, қобилияти, лаёқати, тиббий монеликларини аниқламай уларни тўғри касбга йўналтириб бўлмайди.

Болаларни бошлаган ишини охиригача етказиш, ҳар қандай ишни виждонан бажариш, самарадорликка йўл қўймасликка ўргатиш- ота-оналарнинг бурчи. Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар – ота-оналарига қизиқиб ёрдамлашадилар. Улар ота ёки оналари илгари ишониб топширилмаган ишни буюришса, айтийлик, дастрўмолни дазмоллаш (илгари дазмол ишлатишга рухсат берилмаган), газда чой қайнатиш (демак, энди онаси қизидан гугуртни олади, деб хавфсирамайди) каби юмушларни топширишса, айниқса ғурурланадилар. Ҳар бир янги иш улғайишнинг янги босқичи, катталарнинг болага ишончининг далили сифатида қабул қилинади.

Ақлли, узоқни кўрадиган она қизини жуда ёшлиқдан унга чинакам ёрдам бериш учун овқатларни тайёрлаш, тўқиш, тикишга ўргатади. Аввалига улар ишни биргалашиб қилишади, кейин қизи ўзи мустақил бажара бошлайди. Кўнгилдагидек бажара олмаса, она ишни қайтадан қилишни илтимос қилса-да бундай пайтда ёрдамлашади, агар яхши бажарган бўлса мактаб ҳам қўяди. Ана шу тарзда касбий қизиқиши, қобилияти аниқланиб, болада иштиёқ пайдо бўлади. Болалар касб мажбуриятларини бажаришга ўрганиб, атрофдагиларнинг меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўла бошлайдилар.

Ўғиллар ота уйда ишни ҳафсала билан бажариётганлигини кўрадилар. Ҳеч қандай ишдан жирканмаслик, қўл қовуштириб ўтирмаслик, ҳар бир касбнинг ўз машаққатлари борлиги ҳақида хулосага келадилар. Отанинг намунаси бола учун жуда муҳимдир. Агар ота ҳамма ишни қилишга одатланган бўлса, бу ишларни ўғиллари ҳам огоҳлантирмасдан бажарадилар, отага бажондил ёрдамлашадилар.

Ота ўғилларини асбоблардан фойдаланишга, арралаш, рандалаш, чакқон, тез ва тартибли ишлашга ўргатади. Агар она жажжи сингилчалари билан банд бўлса, улар биргалашиб овқат тайёрлайдилар. Болалар ва ота-оналарнинг меҳнат жараёнидаги алоқасини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди.

Бошқача ҳолат ҳам кузатилади. Кекса аёл магазиндан оғир сумкасини зҳрға кутариб келаётган бир вақтда, ўн беш ёшли набираси велосипед миниб юрган бўлади.

Ота- оналар кўпинча айнан бир хил хатога йўл қўядилар: болаларни меҳнатдан озод қиладилар, уларни касбий лаёқати, қобилият ва қизиқиши ҳақида тушунчалар билан қизиқмайди ва улар катта бўлганда, ҳақиқий меҳнатга, касбий йўналганлигини аниқлашга эҳтиёж туғилганда, касбий лаёқат, меҳнатсеварлик ўз-

Ўзидан пайдо бўлади деб ишонадилар. Лекин ҳеч қачон мўъжиза юз бермайди. Касбий мойиллик ва қизиқишларини аниқламаслик, психологик ташхис хулосаларини назар-писанд қилмаслик, ишёқмаслик, болаликда сепилган ялқовлик уруғи фарзандлар ўсиб катта бўлганда ўзини албатта кўрсатади.

Доимий диққат марказида бўлиши лозим бўлган яна бир масала устида тўхталиш ўринлидир. Бу, касб танлашларида ўқувчиларга қобилятлари, қизиқиш ва истакларидан ташқари уларнинг ўз саломатлигини ҳам ҳисобга олишлари зарурлигини уқтириш ва тўғри маслаҳатлар беришдир. Чунки, касб танловчининг барчаси ҳам соғлиқларини эътиборга олган ҳолда касбни тўғри танлайди деб бўлмайди. Таълим муассасалари ходимлари ва биринчи галда ота-оналар бунга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Тўғри, батафсил тавсияларни тегишли текширувлардан сўнг

врач беради, лекин дастлабки чекловларни (агар улар мавжуд бўлса) танловчининг ўзи ва ота-оналар билишлари фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу улардан қандфйдир махсус билимларни талаб қилмайди, чунки, кўпчилик асосий қарши кўрсаткичлар организм аномалияси (нормадан четга чиқиш)нинг тўрт гуруҳи билан белгиланади:

А. Скелет мушак аппарати аномалиялари –скелет, бўғимлар,

умуртқанинг жароҳатланиши ёки касаллиги, мускуллари ривожланишида камчилиги бор бўлган ўқувчилар учун қуйидаги касбларни танлаш тавсия этилмайди:

Кўплаб жисмоний энергия, узоқ вақт оёқда туриш, тез-тез

энгашиб туришни талаб қиладиган касблар (юк ташувчи, ғишт терувчи, станокчи, темирчи, металлургия соҳасидаги бир қатор касблар ва бошқалар)

Б. Сезги органлари (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш)да

камчилиги бор ўқувчилар билан қуйидаги касблар тавсия этилмайди:

Ҳайдовчилик мутахассисликларининг барча турлари, майда

деталлар билан ишлаш, озиқ-овқат, парфюмерия саноатининг қатор касблар, ошпаз, дегустатор (мазасига қараб таъм билиш) ва бошқалар.

В. Асаб тизимининг бузилиши- бош айланиши, қўлнинг

қалтираши каби касалликларга чалинган ўқувчилар учун қуйидаги касблар тавсия этилмайди:

Баландликда, (монтажчи, минорали кран машинисти ва ҳ.к.) транспортда ишлаш билан боғлиқ бўлган касблар ҳамда йиғувчи, соатсоз, заргар.

Г. Ички органлар -юрак-томир ва нафас тизими, овқат ҳазм қилиш органлари касалликларига чалинганлар учун қуйидаги касблар:

Чангланган, газланган муҳитда, ҳавонинг сийраклиги муҳитида ёки унинг тескариси бўлган юқори атмосфера босими остида, ёки юқори ҳарорат шароитлари билан боғлиқ касблар тавсия этилмайди.

Юқорида айтиб ўтилган касалликлар билан оғриган болаларга бошқа, ўзига тиббий монелик қилмайдиган касбни танлашларига кўмаклашиш, бу борада шифокор ва албатта мактаб амалиётчи психологи билан маслаҳатлашиш ҳам зарур. Аксинча, бирон-бир касбга монелик қилувчи касаллиги бўлган боланинг тавсия этилмаган касб-ҳунарни танлаши, кейинчалик ундаги ана шу касалликларни зўрайтириб юбориши мумкин.

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим.

Бекатда турган новчагина бир йигит билан ўтиб кетаётган икки

ўртоқ келиб куюққина сўрашишди. Уларнинг суҳбатидан шу нарсани англаш мумкин эдики, улар мактабни битирган уч синфдош. Бирисининг исми Ғиёс, иккинчисининг исми Алишер, учинчисининг исми Аббос эди.

- Иё, бормисизлар, соғ-омонмисизлар? Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. Ишляяпсизларми, ўқияпсизларми? – деб сўради Ғиёс.

- Юрибмиз ўртоқ, иш изляяпмиз, -деди Алишер.
- Қаерни тугатдинг?
- Ҳеч қаерни. Вақтида устозларимизнинг, айниқса психолог опамиз

Гулнора опанинг гапларига кирмай, бекор қилган эканман. 9-синфни битиргандан сўнг ишлаб пул топаман дедим, ота-онам ҳам: ўқиб бирон жойни олармидинг, ўқимасдан ҳам пул топиб, яхши яшаш мумкин, бекорга уч йил вақтни ўтказасанми, дедилар. Мана уч йилдан бери бир неча жойга ишга кирдим, нуқул бир-икки ой ишлаганимдан сўнг, ўқиган, дипломи бор киши келди деб, мени бўшатишади. Ўқиганлигинг, бирон касб эгаси эканлигинг тўғрисидаги ҳужжат билан келсанг ишга оламиз дейишади. Энди эса кеч, мактабда ўрганган бор билимим ҳам эсан чикқан. Бунинг устига контракт билан ўқиш керак. Оилавий шароит эса буни кўтармайди.

- Жуда қийин аҳволга тушибсанку, ўртоқ!? Сен-чи Аббос?
- Эҳ, сўрама. Мен олийгоҳга кирман, уч йил касб-ҳунар коллежида

ўқиб, бир йил вақтимни ютказаман, ундан кўра 10-11-синфни мактабда ўқиб, сўнг олийгоҳга кириб ўқийман дедим, лекин ўқишга ҳам, ҳеч қандай ҳужжатсиз ишга ҳам киролмасдан бошим қотиб юрибди, ўзингчи ўртоқ, нима ишлар билан машғулсан, -деб жавоб берди Аббос.

- Худога шукур, ҳар қалай коллежга кириб ўқиб, хато қилмаган эканман, коллежни тугатиб, ҳозир ишлаб кам бўлмаяпман, коллеж томонидан ишга киришимга ёрдам қилишди, кейинги йил олийгоҳга кириб, олий маълумот олмоқчиман. Яхши ишлаётганим учун, мабодо шартнома асосида кирсам, ишхона шартнома пуллари тўлашмоқчи-дейди хурсанд бўлиб Ғиёс.

Шу маҳал уларни четдан кузатиб турган ёши улуғроқ киши уларнинг суҳбатига кўшилди:

- Болажонларим, бу ўртоқларингиз тўғри йўлни танлабди, -деди Ғиёсга қараб, -менинг кенжа қизим академик лицейни тугатиб, олийгоҳга кириб ўқиди, чет элга бориб келди, яхшигина жойга ишга жойлашди, ҳозир кундузи ишлаб, кечаси бўш пайтларида кино таржима қилиб, кўшимча даромад қилапти.

Ҳозирги кунда барча ёшлар янги ва чиройли қурилган, компьютер, техникалар билан жиҳозланган, барча шароитга эга академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига бепул кириб ўқиш ҳуқуқига эга.

Қадимдан ота-боболаримиздан қолган нақл бор “Ҳунарли киши хор бўлмас”. Ҳали ҳеч ким эмас, ўқиб касб-ҳунар ўрганинглари. Танлаган касбларинг-келажакларингни белгилайди, болаларим!

Шунда Аббос отахонга қараб: - Тўғри айтасиз, бобожон. Мен сизнинг ва ўртоғим Ғиёснинг гапларидан ўзимга хулоса қилиб олдим, албатта коллежга кириб ўқийман ва бирон бир касб эгаси бўламан, сўнг олийгоҳга кириб ўқишга ҳам ҳаракат қиламан-деди.

Қанийди барча ота-оналар ҳам фарзандининг тўғри касб танлашига ёрдам бериб, уни кўллаб қувватласа, устозлар билан маслаҳатлашиб, фарзандининг қизиқиши, қобилиятига қараб, 9-синфни тугатгандан сўнг албатта коллеж ёки академик лицейда ўқитса, чунки тўғри касб танлаш инсоннинг келажак ҳаётини белгилаб беради.

Ҳозирги давр, замон талаби- ўқиган, ҳужжати бор кишилар ишга қабул қилинади. Ўқиса, бизларга ўхшаб қийналиб юрмасди-деди Алишер.

Ота-оналар фарзандлари учун жонларини ҳам аямайди, уларнинг бахтли бўлишини истади. Сизлар ота-онангиз билан маслаҳатлашинг, уларга қизиқишингиз, кўнглингни очиб айтиш, улар албатта сизни тўғри тушунишади-деб отахон болалар билан хайрлашди.

Дарҳақиқат, оддий бир эътиборсизлик, тушуниб-тушунмай унинг касбий қарор қабул қилишида нотўғри маслаҳат берилганлиги туфайли болалар келажакда ўз ўрнини тополмай сарсону-саргардон.

Фарзандингизнинг касб-ҳунар танлашига кимлар ва қандай омиллар таъсир кўрсатишини биласизми?

Булар :

Мактабда

- Касб –ҳунарга йўналтирувчиси (меҳнат таълими ўқитувчиси)
- амалиётчи психолог
- дефектолог
- шифокор (ҳамшира)

- синф раҳбари
- фан ўқитувчиси
- болалар етакчиси
- тўғарак раҳбари;

- **Мактабдан ташқарида**
- маҳалла
- ота-она, қариндош ва кўни-кўшнилар
- идеал қаҳамон (кўрган, ўқиган, орзусидаги қаҳрамон)
- тенгдошлари
- оммавий ахборот воситалари
- ҳудудий меҳнат бозори
- яқин корхоналар

Бу жараёнда асосий масъулият умумий ўрта таълим мактабининг

касб-ҳунарга йўналтирувчиси мутахассиси ва амалиётчи психологи зиммасига тушади. Улар эса ўз навбатида барча таъсир этувчи омиллар фаолиятини мувофиқлаштириб борадилар. Ўқувчининг касбий ўзлигини англаши учун зарурий шарт-шароитлар яратиб берилади.

Касб –ҳунарга йўналтириш ишларида шахсининг касбий ўзлигини англаш жараёни жуда муҳим ўрин тутди. Бунда ўқувчи касблар олами ва касб танлаш муаммолари ўртасида, ички ҳамда ташқи муҳит таъсирида онгли равишда маълум бир қарорга келиши лозим бўлади.

Ўқувчининг турли касб-ҳунарларга мойиллигини ривожлантириш жараёни ўз ичига атрофдаги ташқи муҳитнинг таъсири, унинг фикрлаши, иродаси, хотираси, ҳис-ҳаяжон ва диққат эътиборларининг таъсири остида касблар оламини билиши, ўзининг хоҳиши, имкониятлари ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, маълум бир касб-ҳунарни танлаш бўйича бир қарорга келишини олади. Бу жараён ўқувчининг касбий ўзлигини англаш жараёни деб ҳам аталади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ота-оналар мактабда олиб борилаётган ишлардан бохабар бўлиб туришлари, фарзандларидан қандай касб-ҳунарга йўналтириш тадбирлари ўтказилаётганлиги билан қизиқишлари, долзарб муаммоларни биргаликда муҳокама этишлари, муҳим қарорлар қабул қилишда ёрдам ва маслаҳат беришлари керак.

Ота-оналар мактаб касб-ҳунарга йўналтирувчиси, амалиётчи психолог, синф раҳбарлари томонидан фарзандларига берилган касбий маслаҳатлар, уларнинг тавсиялари билан ўртоқлашиб, улар билан фикр алмашиб туришса, фарзандларининг қизиқишлари, қобилиятига қараб тўғри касб танлашига кўмаклашишса, фарзандларининг келажагини белгилашда адашмаган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Э.Ғозиев Умумий психология. 1-2 том.-Тошкент, 2002 йил
2. Кайковус ибн Искандар – “Қобуснома” – “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа уйи Т., - 2006 йил
3. Гушчен Л.Н., Хилтунин В.Р,- “Меҳнат энг яхши тарбиячи”- “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа уйи Т., - 1988 йил
4. Битянова М.Р. Организация психологической работы в школе. – М.: “Совершенство”, 1997 год
5. Матюшкин А. –“Одаренный ребенок глазами воспитателей и родителей”, “Одаренный ребенок” журналинг 2007 йил 6-сони.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси – “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. Т., - 2004 й
7. Ота-оналар учун касбий маслаҳатлар (Қўлланма) Т.,-2009 йил